O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 48 КУН ҚОЛДИ!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 15 июл шанба

Сотувда эркин нархда

№ 136 (2433)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



**1991-2000**

*Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматни, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди.*

*Мустақиллик иншоотлари*

## ҚУРУВЧИЛАР ШИЖОАТИ

*Шу кунларда Учқўрғон туманининг Қайқи қишлоғида бўлсангиз, бунёдкорлик ишлари кўламини кўриб баҳри дилингиз очилади. Бу ерда «Сардор» хусусий фирмасининг қурувчилари 450 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежини ғоят тез суръатлар билан барпо этишяпти.*

*— Миллий байрамимиз яқинлашган сари ғайратимизга ғайрат қўшилмоқда, — дейди фирма раҳбари Комилжон Тожибоев. — Айниқса, электр пайвандчи Шавкатжон Газимов (суратда) ҳаммага ўрнак бўлаяпти.*



**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ВАТАН ҚОЛАДИ

*Шуҳратлар ўтади, шонлар ўтади,*
*Ҳоқонлар ўтади, хонлар ўтади.*
*Хоҳ яхши, хоҳ ёмон, жонлар ўтади,*
*Ватан қолади, Ватан қолади.*

*Нигоҳлар туфроққа чўмилар — қолмас,*
*Яфроғлар хазонлиғ — кўмилар қолмас.*
*Чуғурлаб сайроқи қумрилар қолмас,*
*Ватан қолади, Ватан қолади.*

*Юртнинг кўкрагида неча бир армон,*
*Қай бири отилди, сотилди иймон.*
*Лек фақат шу осмон — Она Туркистон —*
*Ватан қолади, Ватан қолади.*

*Бағрида кузғунлар қаланган бешик,*
*Гоҳ топталиб, гоҳо таланган бешик.*
*Замбарак ўқидан дардланган бешик —*
*Ватан қолади, Ватан қолади.*

*Ўзбекнинг тўкилган қорачиғ кўзи,*
*Қодирий, Усмони, Чўлпон — юлдузи.*
*Оловга айланган Муқанна сўзи*
*Ватан қолади, Ватан қолади.*

*Бу макон ичинда маконлар неча,*
*Очуннинг тилида неча кун, кеча.*
*Ўзин англаганнинг кўнглидан кечар:*
*Ватан қолади, Ватан қолади.*

**Илҳом КАРОМОВ.**

## МИЛЛИЙ БАЙРАМ: ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ НИШОНЛАНАДИ?

**Теннис бўйича Дэвис кубоги мусобақаларида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Нидерландия жамоаси билан биргаликда бир нечта журналистлар, мухлислар ҳам пойтахтимизга келишди. Эътиборли томони шундаки, уларнинг ҳаммаси алвон рангда кийинган эди. Ҳа, мамлакатлари лолалар юрти, деб ном қозонган. Шу ранг уларнинг миллий рамзи ҳисобланади. Демак, бу миллий ғурур билан боғлиқ. Демак, ўша халқ озодлигининг намойиши, байрами бу.**

**Дунёда байрам сифатида нишонланадиган саналар кўп. Уларнинг орасида энг қутлуғи, муқаддаси, шубҳасиз, Мустақиллик кунидир. Қиёс, таққос бор жойда моҳият чуқур англанади. Шу боис бир гуруҳ юртдошларимизга қуйидаги савол билан мурожаат қилдик: «Сиз бошқа мамлакатларда миллий байрамлар қандай нишонланишидан хабардормисиз?».**



**Баҳриддин ЖЎРАЕВ, тадбиркор:**

— Бу борада жуда билағонман, деб мақтана олмайману, ҳар қалай бир-иккита давлатларда қандай нишонланишидан хабардорман. Масалан, Италияда 2 июн — Мустақиллик куни ҳисобланади. Қизиғи шундаки, байрам июн ойининг биринчи якшанбасида нишонланади. Агар хотирам алдамаётган бўлса, улар 1946 йилдан буён шундай қилишади. Яна бир томони борки, 6 июн ҳам миллий байрам уларда. Бу сана республика эълон қилинган кун, дейилади. Тўғри, мустақилликни йил, ўн икки ой тантана қилиш мумкин. Шунга арзийди ҳам. Бироқ, битта сана қатъий белгиланиб, ўша куни мамлакатнинг барча гўшаларида миллий ўлану алёрлар янграшига, пойтахтнинг бош майдонида ўтказиладиган катта тантаналарда эса бутун ўтмиши-ю, бугунги куни акс эттирилишига нима етсин! Аммо аниқ байрам куни белгиланмаган юртлар ҳам учраркан.



**Ҳайдар АКБАРОВ, журналист:**

— Ўзга мамлакатларда мустақиллик куни қандай нишонланишининг бевосита гувоҳи бўлмаганман. Лекин телевидение орқали кўрганим бор. Швеция қироллигида миллий байрам 6 июн — Швед байроғи куни ҳисобланади. Кўчаларга оқиб чиққан маҳаллий аҳоли байроқ рамзини акс эттирувчи кийимлар кийиб, ҳаммаси биргаликда қўшиқлар айтишар экан. Буюк Британияда эса қиролича туғилган кунни тантана қилишади. Яқин атрофимизда ҳам шодиёналар йўналиши, мадҳи битта шахсга қаратиладиган давлатлар йўқ эмас. Ҳарбий парадлар ўрнига халқ сайллари ўтказиш, ўзаро самимий суҳбатларда озодлик сари етаклаган фидойиларни меҳр билан тилга олиш, ҳурматини жойига қўйиш тарафдориман. Лекин, очиғини айтганда, «Ўзбекистонликлар байрам қилишни билишади-да», деган сўзларни қўшни мамлакатдаги фуқаролар ҳавас билан гапирганларига гувоҳ бўлганман.



**Баҳодир БЕКЧАНОВ, полвон:**

— Оммавий ахборот воситалари орқали эшитиб тураман. 4 июл куни Америка Қўшма Штатлари халқи ўз миллий байрамини нишонлашди. Тантаналарда қанчадан-қанча баҳайбат кемалар қатнашдими-ей, бутун мамлакатни ёритгудек салютлар отилдими-ей. Мен буни шундай тушундим: улар ўша ҳаракатлари орқали биз буюк халқмиз демоқдалар. Кўксилари ғururга тўлиб жар солишмоқда. Бу ифтихор эндигина дунёқараши шаклланаётган болажонлар қалбига михланиши, шубҳасиз. Улар ҳам миллий байрамларини фахр-ифтихор ила нишонлашлари шак-шубҳасиздир.

Мана, мустақиллигимизнинг 9 йиллиги яқинлашаяпти. Демак, унинг тантаналарини янада жозибали ўтказишимиз керак. Биз спортчилар, ғалабамиз шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилаётганда ўзимизни унутиб, чексиз ҳаяжон туйғуларини ҳис қиламиз. Ўзбекистон — бу мен, мен — Ўзбекистонман, деб уради юрагимиз гўё. Мустақилликни нишонлаётганда ҳар бир юртдошимизга шундай туйғу ҳамроҳ бўлсин. Ва абадий шундай қолсин!

**Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ЮКСАЛАЁТГАН ХИРМОН



Жиззах вилоятида ғалла тайёрлаш шартнома режасини бажарган туманлар сони ортиб бормоқда.

Пахтакор тумани деҳқонлари режадаги 23 минг 730 тонна ўрнига 29 минг 730 тонна сара дон топшириб, давлатга ғалла сотиш шартнома режасини бажаришди.

Қўлга киритилган муваффақиятга "Пахтакор", "Бахмал", Амир Темур ва "Бўстон" хўжаликлари ғаллакорлари муносиб улуш қўшдилар.

**Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мхбири.**

## Банк кредити ёрдам берди

Қарши шаҳридаги "Кислород таъминот сервис" хусусий корхонасида саноат кислороди ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу ишни амалга ошириш учун корхона "Пахтабанк"нинг 6,5 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредитидан фойдаланди. Мутахассислар мураккаб асбоб-ускуналарни монтаж қилиб, соатига 68 кубметр, бир кеча-кундузда эса минг баллон кислород ишлаб чиқариш қувватига эга қурилмани ўрнатишди. Натижада, воҳа саноат корхоналари учун четдан маҳсулот ташиб келтиришга чек қўйилди.

**А. ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.**

## «Миллий хавфсизлик маърифати»

Республика "Маънавият ва маърифат" марказида шундай мавзуда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари "Диний экстремизм ва фанатизм: миллий хавфсизлигимизга таҳдид", "Миллий мафкурани шакллантириш механизми", "Маърифатга йўл оиладан бошланади", "Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва мудофаа имкониятларини ошириш" каби долзарб мавзулардаги маърузаларни тингладилар.

Семинарда Фан ва техника Давлат қўмитаси раиси П.Ҳабибуллаев, Маънавият ва маърифат Кенгашининг масъул котиби А.Болиев ва бошқалар бугунги кунда минтақамизда диний экстремизм ва ақидапарастлик йўналишидаги турли оқимлар жонланиб қолгани, улар мустақиллик йилларида халқимиз эришган улкан ютуқларга соя ташлаш, мамлакатимизда бунёд этилаётган эркин демократик жамиятни обрўсизлантириш, турли миллат вакиллари ўртасида нифоқ уруғини сочишга уринаётганини таъкидлади. Бундай шароитда юртимизнинг ҳар бир фуқароси мустақилликдек улуғ неъматни эъзозлаш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, миллий хавфсизликни таъминлашни ўзининг Ватан олдидаги муқаддас бурчи деб билмоғи ва шунга қатъий амал қилмоғи лозим.

Бугунги кунда ғоявий соҳадаги асосий вазифа халқимиз, айниқса, ёшлар қалби ва онгига миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини сингдириш, уларда маънавият, маърифат ва тафаккурни шакллантиришнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқиш, бу борада олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштиришдан иборат эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

**(ЎзА)**

МЕН ОЗОД ЮРТ ФАРЗАНДИМАН

«Халқ сўзи» сўровномаси



## БИЗ УМИД ЧИРОҚЛАРИМИЗ

**1. Мустақиллик даврида олдимизга қўйган мақсадларга қай даражада эриша олдик, деб ўйлайсиз?**

**2. Мустақиллик туфайли шахсан Сизнинг ҳаётингизда ва фаолиятингизда қандай ўзгаришлар юз берди? Ватанимизнинг келажаги ва олий мақсадлари нуқтаи назаридан бугунги ишларингиздан кўнглингиз тўладими?**

**3. Сизнингча, янги аср бўсағасида Ўзбекистоннинг нуфузини янада ошириш учун нималарга эътибор бериш керак?**



**Саволларга Тошкент давлат юридик институти талабаси Мавлон Муҳиддинов жавоб беради.**

1. Ҳар бир мустақил давлатнинг ўз фаолиятини амалга ошириш учун олдига қўйган мақсад ва вазифалари бўлади. Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришганидан сўнг, биз ўз олдимизга сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда аниқ мақсадларни қўйган эдик.

Менинг фикримча, халқимиз олдига қўйган мақсадларининг аксарият қисмига эришди. Лекин ҳали Ватанимиз равнақи йўлида бажарилиши керак бўлган эзгу ишлар жуда кўп. Уларни биз, ўсиб келаётган ёш авлод амалга оширмоғимиз керак. Тўғри, мустақиллигимизнинг бошланғич даврида энди оёққа тураётган эдик, энди мамлакатимиз тараққиёт йўлидан дадил бораяпти.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан ўзаро тенг манфаатли дипломатик ва иқтисодий алоқалар ўрнатди. Мамлакатимиз ўз Конституциясини қабул қилиб, умумэътироф этилган демократик тамойилларга асосланган жамиятни қуриш йўлидан бормоқда.

2. Мустақиллик барча юртдошларимни, айниқса, ёш авлоднинг ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирди. Шу маънода, менинг ҳам ўқиш ва ҳаёт фаолиятимда янги имкониятлар туғилди. Аввалambor, бу даврда ғайрат-шижоатли ёшларга билим олиш учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги туфайли, мен Тошкент давлат юридик институтининг талабаси бўлишга мушарраф бўлдим ва ушбу даргоҳнинг 2-курсини «аъло» баҳоларга битирдим. Келажакда халқаро ҳуқуқ соҳасидаги мутахассис сифатида давлатлар билан дипломатик ва иқтисодий муносабатлар ўрнатишга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Айнан мустақиллик туфайли мен 1999 йил 23-29 октябр кунлари АҚШнинг Гонолулу шаҳрида бўлиб ўтган «Минг йиллик ёшлар конгресси»да Ўзбекистон вакили сифатида иштирок этдим. Бу конгресс «Peace Child International» халқаро ташкилоти томонидан ташкил этилган бўлиб, кейинги минг йилликда умумжаҳон муаммолари ва ёшлар мавзусига бағишланган эди. Бунда жаҳоннинг барча мамлакатларидан 8000 нафардан ортиқ ёш иштирок этишди.

Маълумки, истиқлол даврида Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» жамғармаси иқтидорли ёшларни чет эл олий ўқув юртларида ўқиш учун танлаб олмоқда. Мен ҳам бу йил «Умид» жамғармаси танловида иштирок этиш учун ҳужжатлар топширган эдим ва ҳозирда ушбу танловнинг 4 та босқичидан муваффақиятли ўтдим. Иншооллоҳ, насиб қилса, Буюк Британияда ўқиб келиб, ўз Ватанимнинг равнақи учун сидқидилдан хизмат қиламан, деган умиддаман.

3. Янги асрда Ўзбекистон нуфузини ошириш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак, деб ўйлайман. Биринчидан, иқтидорли йигит ва қизларнинг чет элда таълим олишлари, ёш, малакали мутахассисларнинг хориж тажрибасини ўрганишлари учун янги имкониятларни очиб бериш лозим. Иккинчидан, ёш мутахассис кадрларни мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларига жалб қилиш керак. Учинчидан, (бу менинг шахсий фикрим) мамлакатимизда ёшларнинг мақсадларига хизмат қилувчи ва улар томонидан бевосита бошқариладиган янги ташкилот зарур. Масалан, мен АҚШда бўлганимда, хорижий давлатларнинг ёшлар ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиб, ҳавасим келди.

Бўлғуси ҳуқуқшунос сифатида шунга ишончим комилки, янги асрда Ўзбекистон дунёнинг бошқа ривожланган давлатлари сингари жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топади. Чунки юртимизнинг умид чироқлари бор.

## Бозор сабоқлари

### ТАДБИРКОРЛИК: ТАВАККАЛ ҚИЛГАН ЮТАДИ

Бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашибборгани сайин халқимиз табиатига хос бўлган эзгу сифатлар, азалий анъана ва қадриятлар тобора кенгроқ намоён бўлмоқда. Ана шулардан бири шахсий ташаббус ва мустақил фаолият юритишга асосланган тадбиркорликдир. Бу нима дегани? Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, тадбиркорликка кенг йўл очиш, бунинг учун зарур ижтимоий муҳит яратиш нафақат умумиқтисодиётга, балки халқнинг ҳаёт даражасини яхшилашга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва таваккалчилик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасида таъкидланганидек, «Тадбиркорлик – қонун ҳужжатларига мувофиқ, даромад олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият» туридир. Ота-боболаримиз бу борада кўп асрлик бой тажриба ва анъаналарга эга эканлиги барчага маълум. Афсуски, собиқ шўро даврида улар деярли унутилди, иқтисодиётни ҳаддан зиёд марказлаштириш оқибатида одамларда шахсий ташаббус ва интилиш сўнди, боқимандалик кайфияти илдиз отди. Эндиликда манзара тамоман бошқача. Тўғрироғи, мустақилликка эришилганидан сўнг кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, барча соҳада кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг йўл очилди. Тадбиркорлик фаолиятига оид қатор қонун ҳамда қарорлар қабул қилинганлиги, кичик ва ўрта бизнес субъектларини моддий қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилаётганлиги фикримиз далилидир.

Бироқ, тадбиркорликни шакллантириш борасида ҳали бирталай муаммолар мавжудки, уларни тўла ҳал этмай туриб, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Дунёдаги тараққий топган давлатларда ялпи ички маҳсулотнинг катта қисми кичик ва ўрта секторда ишлаб чиқарилишини яхши биламиз. Масалан, АҚШда бу кўрсаткич 52 фоизни, Ғарбий Европа ва Осиё мамлакатларида эса 39-48 фоизни ташкил этади. Хўш, бизда-чи? 1999 йилда кичик ва ўрта корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 12,6 фоизга тўғри келган. Бу кўрсаткич маҳсулотларнинг умумий ҳажмида 6,2, қурилиш соҳасида эса 12,3 фоиздан иборат.

«Бизнинг балки энг заиф томонимиз шуки, кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни талаб даражасида ривожлантира олмаяпмиз, – деб таъкидлаган эди Президентимиз. – Бунга эришиш учун тадбиркорлик, шахсий ташаббус иқтисодий ўсишнинг бозор муносабатларига хос кудратли ички омилига айланиши зарур».

Асосий талаб шундан иборатки, тадбиркорлик йўналишига асосланган ҳар қандай эркин фаолият жамиятга наф келтириши, бандлик даражасини оширишга хизмат қилиши лозим. Ўтган йили кичик ва ўрта корхоналарда 930 минг киши ёки республика аҳолисининг 10,2 фоизи банд бўлган. Агар яқин йиллар ичида кичик корхоналар сони икки баравар оширилса ва уларнинг ҳар бирида ўртача 50 тадан иш ўринлари барпо этилса, қўшимча равишда бир неча миллион кишини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш имкони туғилган бўлур эди. Демак, кичик ва ўрта тадбиркорликни тараққий эттириш, биринчи навбатда, ишсизликни камайтиришга олиб келадики, бу ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Гап шундаки, Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик ўсиши 280 минг кишини ташкил этади. Яқин беш йил ичида уларнинг сони 1,4 миллионтага етиши кутилмоқда. Бу ҳол, табиийки, янги иш ўринлари яратиш, бандлик муаммоларини ҳал этиш ҳақида ҳозирданоқ жиддий бош қотиришни тақозо этади. Кичик корхоналарни ривожлантириш ишчи кучига бўлган талабни ошириши ўз-ўзидан маълум. Демоқчимизки, масала ечимини ана шу бўғиндан излаш энг тўғри, оқилона йўлдир. Қолаверса, ялпи ички маҳсулот ҳажми ижтимоий фаоллик ҳисобига анча кўпайишини ҳам унутмайлик.

Тадбиркорлик фаолиятида бизнес-режа алоҳида ўрин тутади. Албатта, бу ишнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бор. Фаолиятни тўғри йўналтириш, турли иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун, энг аввало, бизнес-режани пухта ва мукаммал тузиб олиш лозим. Тадбиркор шунга қараб ўзининг молиявий ҳолатини белгилайди, янги ғояларни амалга ошириш йўлларини излайди. Акс ҳолда, бор маблағидан ажралиб қолиши ҳеч гап эмас.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, бизнес-режа – банкирлар, инвесторлар, ишлаб чиқаришга маблағ киритувчилар ва лойиҳани амалга оширувчилар, тадбиркорлар, барча учун сув билан ҳаводек зарур. Чунки бу муҳим иқтисодий омил орқали бизнес ғояларини муваффақиятли амалга ошириш, ишлаб чиқариш меъёрларини белгилаш ва истиқболли режаларни босқичма-босқич рўёбга чиқариш имкони яратилади. Бизнес-режада, аввало, кўргазмали далиллар бўлиши шарт. Иккинчидан, тадбиркор истеъмолчи эҳтиёжларини пухта ўрганмоғи, ишни шу асосда оқилона ташкил этмоғи лозим. Маҳсулот ишлаб чиқарилса-ю, унга талаб бўлмаса, бундан кимга фойда? Шундай экан, аниқ режалаштириш тадбиркорлик фаолиятида биринчи ва асосий шартдир.

Бозор муносабатларини маркетинг хизматисиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Чет мамлакатларда бу борада катта ва бой тажриба тўпланган. Маркетинг замонавий тадбиркорлик турларидан бири бўлиб, талаб ва эҳтиёжни ўрганиш, шу асосда энг зарур товарларни ишлаб чиқаришга асосланган ўзига хос билимлар мажмуидир. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида менежментнинг замонавий усулларидан фойдаланиш белгиланган хизмат ва ишлаб чиқариш соҳаларидан кўпроқ самара олиш, тегишли маблағ ва ресурсларни аниқ мақсадга йўналтириш имконини беради.

Яна бир масала. Ҳозирги кунда кичик корхоналар иш фаолиятини 15 дан ортиқ кўрсаткич асосида баҳолаш одатга айланиб қолган. Бу ҳол ортиқча харажат ва таҳлилий қийинчиликларга олиб келаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бинобарин, иқтисодий кўрсаткичлар сонини камайтириш ва ихчамлаштириш замон талабидир. Фойда – тадбиркорлик фаолиятида бирдан-бир асосий мезон бўлиши лозим. Хўш, юқорида тилга олинган 15 та иқтисодий кўрсаткични, айтайлик, 6 тага туширсак, нимани ютқазамиз? Ҳеч нарсани. Кичик бизнес соҳасида фойданинг уч турини (фойда, соф фойда, шартли фойда) режалаштириш орқали мавжуд молиявий ресурсларни самарали тасарруф этиш, сарф-харажатларни камайтириш имкони туғилади.

Халқимизда шундай нақл бор: таваккал қилган ютади. Зотан, тадбиркорликни ривожлантириш таваккалчилик омили билан чамбарчас боғлиқ. Кичик бизнес соҳасида таваккалчилик, айниқса, тадбиркорлик таваккалчилигига жиддий эътибор бериш, унинг бозор тизимидаги ўрни ва моҳиятини чуқур англаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Тўғри, тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки даврида тажриба камлиги, чуқур таҳлил ва аниқ ҳисоб-китобнинг йўқлиги сабабли таваккалчилик (хавф) ортиб боради. Лекин бу вақтинчалик ҳолат бўлиб, ундан асло чўчимаслик лозим. Бозор, энг аввало, иқтисодий эркинликдир. Ўз фаолиятини белгиланган қонун-қоидалар доирасида амалга оширган тадбиркор ҳеч қачон зиён кўрмайди.

Замонавий бозор тизимида таваккалчиликнинг тўрт хил кўриниши мавжуд: хўжалик, молиявий, тижорат ва суғурта таваккалчилиги. Ҳамма гап хўжалик юритишда иқтисодий хавфни инкор этмаслик, балки уни доимо ҳис этиш, хавфлилик чегарасини белгилаш, хато-камчиликлар сабабини ўрганиш ва бундан тегишли хулоса чиқара билишдадир. Хорижий давлатларда иқтисодий хавф даражаси 30 фоиздан ошса, бундай тадбиркорлик фаолияти тўхтатилади.

Таваккалчиликни ўрганиш ва уни бошқариш алоҳида эътиборни талаб қилади. Афсуски, бизнинг иқтисодиёт фанимизда тадбиркорлик таваккалчилиги назарияси ва амалиётида тан олинган умумназарий таваккалчилик масалалари кам ёритилган. Шунингдек, таваккалчиликни ўрганиш ва аниқлаш усуллари, таваккалчилик хавфини камайтириш ва унинг олдини олишга оид ўқув қўлланмалари, амалий тавсияномаларни чоп этиш фурсати етди. Ҳозирги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ хўжалик таваккалчилиги, таваккалчиликни бошқариш ва бошқа фанларни ўқитиш йўлга қўйилган. Мамлакатимиздаги малака ошириш марказлари ва институтларида ҳам бундай фанларни пухта ўрганиш, хўжалик раҳбарлари ҳамда тадбиркорларни бозор билимлари билан чуқур қуроллантириш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз.

**Шавкат ЗАЙНУТДИНОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Менежмент» кафедраси мудири, Меҳнат ва бандлик халқаро академиясининг академиги.**

ШУ СОНГА ХАБАР

## ЯПОНЛАР ҲАЙРАТИ

Бу халқни ҳайратга солиш ҳазилакам иш эмаслигини куни кеча Кунчиқар юртдан қайтган Ўзбекистон каратэ Миллий федерацияси президенти, 6- ДАН «қора белбоғ» соҳиби Нурхон Нафасов ҳаяжон билан айтди. Чунки улар каратэ бўйича Япониянинг Киото шаҳрида бўлиб ўтган талабалар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашиб келишди-да!



– Дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатидан келган каратэчилар билан беллашиш осон кечмади, – дейди Н. Нафасов. – Нега дейсизми? Чунки беллашувнинг асл Ватанида ҳақиқий санъат даражасига кўтарилаётган каратэ сирларини намойиш қилиш керак эди-да. Шундай бўлса-да, бизнинг йигитлар ҳам бўш келишмади. Уч нафар каратэчимиз шу йилнинг август ойида Шотландияда ўтазиладиган жаҳон кубоги мусобақаларига йўлланма олди.

Тўғри, ўз вазнлари тоифасида Ҳусниддин Сапиев, Рустам Казаков ҳамда мутлақ вазнда беллашган Азамат Али Қаландаровлар бешинчи ўринларни эгаллашган бўлсалар-да, Европанинг манаман деган спортчилари ҳам ҳамюртларимизнинг кураш санъатини кўриб тан беришгани қувончли. Айниқса, каратэ эндигина ривожланаётган бўлишига қарамай жаҳон мутахассислари назарига тушиб улгурган ўзбекистонликларнинг бу муваффақияти алоҳида қайд этилди. Шунингдек, ўта оғир вазн тоифасида беллашган Азамат Али Қаландаровга «Энг яхши техник маҳорати учун» соврини ҳам топширилди.

– Тўғриси, дастлаб шундай нуфузли чемпионатда бизнинг беш кишилик командамиз қандай қатнашаркан, деган хавотир ҳам қийнаётганди. Лекин руҳимиз тетик, енгамиз, деган кайфиятда эдик. Мен Словения, Олмония ва Россия Федерациясидан борган каратэчиларни енгиб, охири япон спортчиси билан беллашдим. Ҳеч қандай қўрқув ҳам, ҳаяжон ҳам йўқ эди. На илож, буни спорт дейдилар. Кимдир ютади, кимдир...

Хуллас, ўзбек каратэчиларидан уч нафари кучли бешликка кирганининг ўзи катта муваффақият. Яна бир эътиборли жиҳати: шу чемпионатда қатнашган аксарият давлатларда япон мутахассислари фаолият кўрсатаётган бўлсалар, бизнинг каратэчилар фақат ўз имкониятларига ишониб, оламшумул ғалабани қўлга киритишди.

**Нор ҚОБИЛ.**

## МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗ

**Бирлашган Вена институтининг Тошкентдаги минтақавий маркази республика идоралари раҳбарлари учун талайгина ўқув курслари ва семинарлар уюштирди.**

**Навбатдаги ўқув машғулотлари бевосита бозор иқтисодиётининг муҳим масалаларига бағишланди. «Бозор иқтисодиётига кириш курси: асос ва сиёсат» мавзуида ўтказилган машғулотлар, айниқса, самарали бўлди. Тингловчилар учун шу ўқув жараёни давомида «Бозор механизмининг умумий таърифи», «Инфляциянинг нобарқарор макроиқтисодиёти», «Макроиқтисодиёт сиёсати муаммолари» сингари мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилди.**

**Бундай мазмунли машғулотларни уюштириш учун Жаҳон банки институти 47 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.**

**Акбар АЛИЕВ.**

## Савобли ҳамкорлик

Тошкентдаги 21 ва 30-сонли Меҳрибонлик уйларида турли ёшдаги болалар, шу жумладан, ўсмир қизлар тарбияланади. Европанинг машҳур "SCA" компанияси уларнинг ҳар бирига ёз мавсумида зарур бўлган гигиена воситаларини ажратди.

Меҳрибонлик уйларига ёрдам кўрсатиш мақсадида амалга оширилган тадбир "Кўзмунчоқ" болалар хайрия жамғармасининг ташаббуси билан ташкил этилди. Яқинда тузилганига қарамасдан, бир қанча савобли ишларни амалга оширишга улгурган "Кўзмунчоқ" жамғармаси бир нечта маҳаллий ва хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилмоқда. "SCA" компанияси ҳам унинг доимий шериги бўлиш истагини билдирди. Жамғарма меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўсмир қизларни катта ҳаётга тайёрлаш бўйича янги дастур тайёрламоқда. Уни амалга оширишга тажрибали шифокор ва ўқитувчилар жалб қилинади.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



*Ёмғир Имомовни Қоракўлда кўпчилик яхши билади. Ёш, серғайрат, ташаббускор йигит. Пахтачилик бригадасининг бошлиғи. У қарийб саккиз йилдирки, «Қоракўл» ширкат хўжалигида меҳнат қилиб келади. Тасарруфида 63,5 гектар пахта майдони бор. Бригадада ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида, сифатли қилиб бажарилаётгани боис ғўза ривожи авжида.*

*Суратқаш мухбиримиз Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ тасвирга туширган ушбу суратларда бригада саркори Ёмғир Имомов ва ғўзага ишлов бериш жараёни акс эттирилган.*



## Иқтисодий сарҳадларимиз посбонлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона коллежи очилганига икки йил тўлди. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан ташкил этилган мазкур билим даргоҳи юртимиздагина эмас, балки Марказий Осиё давлатлари орасида ягона ўқув муассасаси ҳисобланади.

Мазкур сана муносабати билан коллежда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда соҳа фахрийлари, божхона ходимлари ва кўпдан-кўп меҳмонлар иштирок этди. Республика Давлат божхона қўмитаси раиси С.Орипов ўқув масканининг шахсий таркиби ўз зиммасига юклатилган вазифани сидқидилдан бажариб, халқига, касбига содиқ юқори малакали, божхона ходимларини тарбиялаётганини таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққан курсантлар Ватанимиз иқтисодий сарҳадларини мустаҳкамлаш, юртдошларимизнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, халқ мулкини қўриқлашдек олижаноб мақсад йўлида хизмат қилажакларини билдирдилар.

**(ЎзА)**

## ЗАМИН САХОВАТИ

Ўлкамизда пишиқчилик. Деҳқону соҳибкорлар учун маҳсулот етиштириш қанчалик муҳим бўлса, уни харидорга вақтида етказиб бериш, ўз меҳнати маҳсулидан баҳраманд бўлиш ҳам шунчалик муҳимдир. Деҳқонларга ёрдам бериш мақсадида Навоий вилоят ҳокимлиги ва вилоят "Мевасабзавотузум" бирлашмаси ташаббуси билан вилоят марказидаги "Деҳқон бозори" ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда ҳўл мевалар, ўрик, олма, картошка, пиёз, полиз маҳсулотлари сотувга чиқарилган. Айниқса, Навбаҳор, Қизилтепа, Навоий, Хатирчи туманларининг соҳибкорлари етиштирган ширин-шакар ёз неъматлари арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Ҳозиргача шаҳар аҳолисига 350 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилди. Ярмарка бозорларда нарх-навонинг мўътадил бўлишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Ёрқул Умар,**
**ЎзА мухбири.**

*Қарор ва ижро*

## ДЕҲҚОН БОЗОРИ ДЕҲҚОННИКИ БЎЛСИН!

Абдураим тажанг машинадаги юкни тушириб улгурмай олибсотарлар қуршовида қолди.

— Шафтолими, ўрикми? — ёпишди ғўлабирдан келган йигит.

— Олма, — деди тажанг, — шафтолига ҳали қўл теккизганимиз йўқ.

— Пишганми, хомми, йиригиданми, майдароқми? Мазаси қандай? — юкнинг иккинчи томонига осилди тилла тишли аёл.

— Баҳосини айтинг, ака, — бозорни бошига кўтарди яна бир аёл. — Кўтарасига оламан. Инсоф қилиб арзонроқ берсангиз бўлгани.

— Сув текинга дегин, — асаблари таранглашди Абдураим тажангнинг. — Овора бўласан, ўзим сотаман, майдалаб.

— Қийналиб қолармикансиз? — ачинган бўлди бояги аёл. — Биринчидан, сизга ўхшаганларга бозордан жой тегмайди, иккинчидан...

— Шундай дегин, — зил-замбил юкни азот кўтарди тажанг, — бозор худди онангнинг маҳрига тушгандай гапирасан-а!

Абдураим тажанг бозор расталарини обдон айлангач, олибсотар аёлнинг гаплари тўғрилигига тан берди. Биронта бўш жой йўқ. Салқин, савдо учун қулай жойларнинг ҳаммасини бозорнинг кунда-шундалари эгаллаб олганди. Қишлоқдан келганлар олов пуркаётган ёз қуёшининг жазирамасида харидор йўлига кўз тикиб ўтиришарди.

Биз «Чинобод» деҳқон бозорида бўлганимизда, ана шундай манзарага дуч келдик. Бозор шундоққина катта йўл бўйида жойлашган. Йўлакларни қовун-тарвуз эгаллаган. Сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам ноқулай. Бино остидаги махсус расталарни эса асосан бозорга «прописка» қилинганлар эгаллашган.

Тўғри, кейинги пайтда бу бозор бироз жонлангандай бўлди. Аввало, у янги жойга кўчирилди. Барча асбоб-анжомлар билан таъминланди. Назорат кучайтирилди. Бу ерга келувчилар сони кўпайди. Жорий йилнинг беш ойлик якунларига кўра, пуллик хизмат кўрсатиш 104,2, жой ҳақи йиғими 210,2 фоизга уддаланди. Бироқ бозор самарадорлиги ҳиссадорлар қўлига тегадиган дивиденд борасида охирги ўринлардан бирига тушиб қолди. Жамоа ўтган йилни бор-йўғи 54 минг сўм фойда билан якунлади, холос.

Бўз тумани марказидаги деҳқон бозорига яқинлашар эканмиз, йўл бўйида тарвуз, қовун ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилаётган деҳқонларга кўзимиз тушди.

— Шу ер қулайроқ, — деди Ёзёвондан тарвуз келтирган Исоқжон ака Ашуров. — Биринчидан, салқин, иккинчидан, биздан тарвузни арзонгаровга олиб, икки-уч ҳисса қимматга пуллайдиганлар диққат қилмайди. Ҳар ҳолда ўз маҳсулотларингни ўзинг сотсанг, бозор қилгандай бўласан...

Ўртача катталикдаги тарвузни танлаб, баҳосини сўрадик.

— Кўнгилдан чиқариб бераверинглар, — кулимсиради Исоқжон ака.— Истасангиз, чақмоқлаб бераман.

Савдолашдик. Чинобод, Шаҳрихон бозорларидагидан бир ярим баробар арзон.

Бозор ичидаги расталарда сотилаётган полиз маҳсулотларигина эмас, мева-чева, сабзавот ҳам бояги деҳқонникидан бирмунча қиммат. Бозорга кираверишда ҳам, унинг ичкарисида ҳам қанд-шакар, туз, хўжалик совуни, ўсимлик ёғи очиқ жойда сотилмоқда. Айниқса, бозор ташқарисида яна бир сунъий бозорчанинг фаолият кўрсатаётгани бизни ажаблантирди. Латта-путта, кийим-кечаклар билан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам очиқ ерда сотилмоқда. Ҳатто бозор биқинида ароқ, пиво сингари ичимликлар билан савдо қилиняпти.

— Бу маҳсулотлар хусусий дўконларники, — изоҳ берди бозор раҳбари Тўланбой Ҳожиакбаров. — Уларга бизнинг тишимиз ўтмайди.

— Маълумки, озиқ-овқат неъматлари, хусусан, саккиз хил маҳсулот турғун савдо дўконларида сотилиши талаб этилади. Сиз раҳбар бўлган бозорда эса...

— Бу бизнинг камчилигимиз, тўғрилаймиз.

— Деҳқонлар маҳсулотини бозорда эмас, йўл бўйларида сотишаётганининг сабаби нимада?

— Ўтган йили туман ҳокимлиги қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотларни фақат бозорда сотиш ҳақида қарор чиқарган эди. Энди бўлса маҳалла фуқаролар йиғини ўша маҳсулотни ўз ҳудудида сотиш юзасидан хат чиқарибди. Бу масалани уч-тўрт кун ичида кўриб чиқамиз.

— Кунлик тушумдан қониқиш ҳосил қиляпсизми?

— Бизда ҳафтада бир марта бозор бўлади, холос. Қолган кунлари унчаликмас.

Бозор масъулларининг бoқибеғамлиги, кунлик тушумни кўпайтириш ҳақида етарли қайғурмаётганликлари касрига ўтган йили бор-йўғи 270 минг сўм фойда олинди. Улуғнор тумани деҳқон бозорида бу кўрсаткич 15 минг, Андижон туманида 30 минг сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг беш ойлик якунлари таҳлил этилгудай бўлса, қатор деҳқон бозорларида ҳам худди юқоридаги каби манзара намоён бўлади. Чунончи, Назармаҳрам деҳқон бозорида беш ойлик режа 60,2, Андижон туманида 87 фоизда қолиб кетди. Избоскан, Улуғнор туманлари деҳқон бозорларида эса шартнома режалари бажарилмади.

Айрим бозорларда пуллик хизмат кўрсатиш бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермайди. Вилоят бўйича бор-йўғи бешта бозорда режа уддалангани, Олтинкўл, Улуғнор, Қўрғонтепа бозорларида эса зўрбазўр 14-43 фоизга етказилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Даромадга қараб буромад, дейдилар. Ишнинг ўлда-жўлда ташкил этилиши, айрим ҳудудларда бозор ташқарисида яна бир бозорчанинг пайдо бўлишидек тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолатларнинг юзага келиши, ноз-неъмат етиштирган деҳқонга бозорларда етарли шарт-шароит яратиб берилмаганлиги, молия ва солиқ идоралари ходимларининг бозорлар фаолияти устидан назоратни сусайтириб юборганликлари оқибатида кунлик тушумга жиддий путур етмоқда. Ҳолбуки, кунлик йиғим даромадни белгилайди. Даромаднинг бир қисми эса акциядорлар манфаатига хизмат қилади. Ўтган йили Асака шаҳридаги юқори деҳқон бозори ҳиссадорлари ҳар бир акцияга 441 сўмдан даромад олгани ҳолда, Улуғнорда бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 4,3, Олтинкўлда 41,3 сўмни ташкил этди.

Бозорларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш арзончилик, маъмурчилик омили эканни кўпинча унутилаётган кўринади. Акс ҳолда, туман бозорларидан тортиб марказий бозорларгача деҳқонлар билан номигагина шартнома тузилмаган бўларди. Қаранг, Шаҳрихон тумани деҳқон бозоридай йирик жойда бор-йўғи 23, Бўз деҳқон бозорида 8 нафар деҳқон билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилганига муроса қилиб бўладими?

Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Шундан кейин Андижонда энг йирик учта деҳқон бозори танлаб олинди. Махсус ишчи гуруҳи ўша бозорлар фаолиятини жиддий ўрганиб чиқди. Мавжуд ҳолат, шарт-шароит, кунлик тушум таҳлил этилди. Жумладан, Шаҳрихон марказий деҳқон бозорида шу йилнинг олти ойида кунлик йиғим ўрта ҳисобда салкам ўттиз минг сўмданга тўғри келган. Бироқ, текшириш ўтказилган 30 июн куни бу кўрсаткич 80 минг, 1 июл куни 82,4 минг, учинчи июл куни 82,5 минг сўмданни ташкил этди. Бошқа бозорларда ҳам йиғим миқдори сезиларли даражада ортди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: кунлик йиғимдан тушаётган нақд пуллар оқими бир гуруҳ ноинсофлар чўнтагига эмас, эл-юрт хазинасига бориб етгани маъқул эмасми?

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЁЗДА УНГАН «БОЙЧЕЧАК»ЛАР

Фельетон

**<u>«Шўрчи ҳаёти» газетаси 1999 йил 8 июл куни Жўра Хўжамиёров номли жамоа хўжалигида 1999 йилда 547 гектар ўрнига 536 гектар майдонга чигит экилган, деган гапни босиб чиқарди. Бу ҳолатни туман ҳокимлиги кўзбўямачилик, деб баҳолади. Ҳокимликнинг топшириғи билан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари масалани чуқуррок ўрганишга киришдилар ва ўзларича хомаки қарор матнини ёзиб, унга «ўз вазифасини уддалай олмаётганлиги сабабли Х.Йўлдошев бошқарув раислигидан озод қилинсин» деган гапни киритдилар. Лекин ўша — айни ёз кунларида бир «қор ёғди», излар босилди-қолди. Ҳокимлик масалага қайтишни ортиқча, деб билди. Эндиги гапимиз ўша қорнинг тагидан ўсиб чиққан бойчечаклар ҳақида.</u>**

... Ўша июл кунларининг бирида (1999 йил) Йўлдошев Шароф деган йигит Жўра Хўжамиёров номли хўжалик билан «7 гектар ерга шоли экиб, 28 тонна ҳосил етказиб бераман», деган мазмунда шартнома тузди. Хўжалик ер тузувчиси Ч.Чориевнинг айтишича, ўша 7 гектар ернинг тупроғи шўрланмаган, унумдор.

Жамоа хўжалиги иқтисодчиси Ж. Нормўминов бир нусхаси ўзида сақланаётган ана шу шартномани ўқиб кўрмаган экан. Йўлдошев Шароф 2 гектар ерга шоли эккан. Гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, 520 кг. маҳсулотни хўжаликка топширган, деди иқтисодчи.

Бу икки гапнинг қайси бири тўғри эканлигини билиш мақсадида биз туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари билан далага бориб кўрдик. Ҳақиқатан ҳам, ер тузувчи кўрсатган далалар шолипоя эди. Демак, ижарачи Ш.Йўлдошевнинг ўша 7 гектар ерга шоли эккани рост. Рост бўлса, нега ўша 7 гектарнинг беш гектари иқтисодчининг ҳисоботига киритилмади? Қолган 5 гектардан ҳам, эҳтимол, 40 центнердан ҳосил олингандир. Унда ўша ҳосил кимнинг омборига тушди? 7 гектар шолига тузилган шартноманинг ижроси нега кейинчалик суриштирилмади, деган саволлар туғилади, кишида.

Шу саволлар сабаб бўлиб, шартномани яна эътибор бериб ўқиб чиқамиз ва илғаймизки, унда ижарачининг асосий мажбурияти, яъни 7 гектар ерда етиштириладиган маҳсулотнинг қанча қисми хўжаликка топширилиши кўрсатилмаган экан. Имзоларга қараймиз: икки томон ҳам — Йўлдошев.

— Улар ота-болалар, — деди биз суҳбатлашган бир деҳқон мийиғида кулиб. — Хўжамурод раис пишиқ одам, ким билан қандай шартнома тузишни яхши билади...

13-бригада бошлиғи С.Умаровнинг раисга қариндошлиги йўқ. Лекин у ҳам ўзига қарашли 896-картанинг етти гектарига шоли экибди. Экибди-ю, шартнома тузмабди. Бироқ бу раис билан бригадир ўртасида ҳеч қандай муомала риштаси йўқ, деган маънони билдирмас. Акс ҳолда раис кўра-била туриб пахта даласига бошқа экин экилишига изн бериб ўтирмас эди.

Фақат қовунлар эмас, бойчечаклар ҳам бир-биридан ранг олар экан. «Хўжамиёров»даги Хўжамурод раиснинг бойчечаклари болалаб кетди. Охири иш шу даражага бориб етдики, туман ҳокимлиги бир қатор фермерларнинг, мулкдорларнинг пахта ва ғалла ўрнига экилган картошказору, пиёззорларини буздириб ташлаш учун шу йил эрта баҳорда қатор-қатор пайкалларга плуг солишга мажбур бўлди.

Кўряпсизки, газетага чиққан ўша хабарга вақтида холис муносабат билдирилганидами, ниш ота бошлаган иллатни, жароҳатни плуг билан даволашга эҳтимол эҳтиёж бўлмасди. Ёлғончилик, кўзбўямачиликлар шу билан плугнинг остида қолиб кетганда, бошқа такрорланмаганида, биз ҳам бу гапларни ёзиб ўтирмаган бўлардик. Афсуски...

«Шўрчи пахта» ҳиссадорлик жамияти иқтисодчиси Рустам Исмоилов 24 май куни жамият томонидан тегишли идораларга тақдим этилган қоғозни кўрсатди. Қоғозда баҳор ўтиб ёз келибдики, 15 та субъектнинг 2000 йил пахта ҳосили учун завод билан шартнома тузишни пайсалга солиб келаётгани битилган эди.

— Ўша субъектларнинг кўпчилиги биздан ҳали уруғлик чигит олгани йўқ. Демак, бугунги кунгача ҳам пахта экмаганлар. Экмасалар ҳам керак, — дейди Р.Исмоилов.

Бошқаларни билмадигу, Рустамжоннинг тахмини «Қувват» ҳиссадорлик жамияти, деб аталадиган субъект мисолида тўғри бўлиб чиқди. «Қувват» 1993 йилда ташкил топган. Чорвачиликка ихтисослашган. Бир нечта қорамоли, 19,9 гектар ери бор. Гўшт, сутни бозорга чиқариб сотаяпман, деб статистика идорасига маълумотларни вақтида етказиб туради. Жамият бошлиғи Абрай Маматалиев, муҳри йўқолганини бир ярим йилдан буён ўтган-қайтганга айтиб юришини ҳисобга олмаса, ишга ва ҳисоб-китобга анча пухта кўринади. Лекин шу йигитнинг бир иши ғалати: ерларига тўлдириб шоли экишни яхши кўрар экан. Туман ҳокимининг 301-қарорига кўра (2000 йил 6 апрел) «Қувват» бу йил 6 гектар ерда пахта етиштирмоғи керак. 13 июн куни биз туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош агрономи Норбой Мавлонов билан ўша ерга бордик. Режада кўрсатилган пахта экилмаган.

– Абрай Маматалиев биздан энди чигит сўрай бошлади, — деди агроном. – «Тадбиркор» ана шундай бўлади.Ана кўринг, пахта ўрнига тўлдириб шоли экиб қўйибди. Пахтадан кўра шоли икки баравар ҳосилдор. Бир гектарнинг гуручини бозорда сотиб, бир миллион сўм даромад олиш мумкин... Пахта режасини туман бажарадими, йўқми, бу билан неча пуллик иши бор унинг.

Биздаги айрим маълумотларга қараганда, «Қувват» ўтган йили ҳам 16 гектар ерга шоли эккан. Шоли етиштириш бўйича унинг ҳеч ким билан шартномаси бўлмаган, табиийки, мўмай-мўмай даромаддан солиқ идоралари хабар тополмай қолган.

Экинларни жойлаштириш ҳужжати бўйича «Қувват»да 4 гектар бедазор, 6 гектар ғалла бўлмоғи керак. Беда мутлақо йўқ. Норбой Мавлонов билан борган кунимиз шолининг суви арпазорга («Қувват» дон қабул қилиш идораси билан буғдойга шартнома тузгану, арпа эккан) тушгани учун агроном ғаллазорни ўлчай олмади ва 2-3 гектар чиқса керак, деб тахминини билдирди. Биз ғоят сийрак дон тўплаган арпанинг ҳосилдорлиги билан қизиқдик. Мавлонов нималарнидир майдалаб ҳисоблаб чиқиб, бир гектардан 14 центнердан ҳосил чиқиши мумкинлигини айтди. Энди ҳисобланг: 3 гектар ердан жами 4 тонна дон чиқадиган бўлса, «Қувват» дон қабул қилувчи ташкилотга 15,5 тонна буғдой етказиб бериш тўғрисидаги шартномасини қандай қилиб бажаради?

«Қувват» туман мулкдорлар уюшмаси таркибидаги жамият. Шу уюшма раиси Жўрақобил Холмуродовга «Қувват» ҳақида ўзимиз билган тафсилотларни айтгандик, раис ажабланмади. Шунча ерга шоли эккан одам икки-уч арава буғдой сотиш режасини бажармаслиги... мумкинми, деб содда ўйлашимиздан кулгандай бўлди.

... Чигит экмай туриб пахта сотиш режасини ҳам бажарса-я, ҳали... Мавзу нозикроқ йўлга бурилганини сезиб, Холмуродов елка учириб қўя қолди.

* * *

Шўрчи бир вақтлар қишлоқ хўжалиги соҳасида пешқадам туман ҳисобланар эди. Энди эса, неча йилдирки, Шўрчида пахта сотиш режалари бажарилмаяпти. Ғалла режасининг ижроси ҳам бир нав. Шўрчилик деҳқонлар ҳосил байрамларини соғиниб қолдилар. Шу соғинчлар оғушида ишлаяптилар. Мажлислар ўтказиляпти.

Газетанинг ўша кўзбўямачилик ҳақидаги хабарига вақтида изчилроқ муносабат билдирилганида, бу танқид юзта мажлиснинг ўрнини босармиди?

Дарвоқе, ҳалиям кеч эмас. Қор босгани билан тўғри гап музлаб қолмайди. Тўғри гап ёмон кўзлардан, кўзбўямачиликлардан ҳимояга эҳтиёж сезиб яшайди.

Айни замонда кўзбўямачилик ҳам ҳимоя остида яшайди. Ҳимояси бўлмаганда у аллақачон музлаб қолган бўларди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!*

*АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ВА ОМОНАТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА*

**“АСАКА” банки**

***қайта кўриб чиқилиб, оширилган фоиз устамали депозит омонатларини таклиф қилади:***

| Омонат тури | 2000 йил 1 июлдан фоиз устамалари | Бекор қилинган фоиз устамалари |
|---|---|---|
| *<u>“ОРЗУ”:</u> 3 ойдан кам бўлмаган муддат билан* | *ойига 2,7%* | *ойига 2,5%* |
| *<u>Муддатли:</u> 6 ойдан 1 йилгача* | *йилига 35%* | *йилига 30%* |
| *<u>Пластик карточкалар</u>* | *ойига 3% (фоизлар ҳар ойда ҳисобланиб, қолдиқларга қўшиб борилади)* | *ойига 2,8%* |

***Ўз омонатларингизни тез ва истаган вақтингизда олишингиз мумкин.***

ASAKA BANK

**700015, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67.**
**Тел.: (371) 1208391, 1208392, 1208382.**
**Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва ҳамма вилоят марказларида.**

3062

## РАҲБАРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

**“Ўзбекистон почтаси” давлат-акциядорлик компанияси ва унинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларининг таклифига биноан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг 2000 йил 11 июлдаги 226-сонли буйруғи билан**

***<u>2000 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида почта алоқасининг айрим хизмат турларига янги тарифлар жорий этилади.</u>***

**<u>Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизматларга тарифлар</u>**

**<u>Почта карточкаларини жўнатиш:</u>**
- оддий - 15 сўм
- буюртмали ёки қўшимча тўлов билан 20 гр. гача - 30 сўм

**<u>Хатларни жўнатиш:</u>**
- 20 гр. гача оддий - 15 сўм
- 1000 граммдан 2000 граммгача - 185 сўм
- буюртмали, оғирлиги боис оддий хат каби тўлов ва буюртма учун 15 сўм қўшимча.
- қимматли, оғирлиги боис оддий хат каби тўлов ва 15 сўм ҳамда эълон қилинган қийматнинг ҳар бир сўмига суғурта учун - 0,05 сўм.

**2000 йилнинг 10 июлидаги ҳолатга кўра рўйхатга биноан почта жўнатмалари текин жўнатилади.**

**<u>Бандерол жўнатиш:</u>**
- *20 граммгача бўлган оддий* - 15 сўм

1000 граммдан 2000 граммгача - 185 сўм
шундан кейинги ҳар 1000 грамм учун - 35 сўм
- *буюртмали* - оғирлиги учун қимматли хат сифатида ва буюртмага 25 сўм қўшимча.
- *қимматли* - оддий бандерол сифатида оғирлиги учун тўлов ва эълон қилинган қийматнинг ҳар бир сўмидан суғурта учун 0,05 сўм

**2000 йилнинг 10 июлидаги ҳолатга кўра рўйхатга биноан бандероллар текин жўнатилади.**

**<u>Посилкани жўнатиш: 2000 йилнинг 10 июлидаги ҳолатга кўра ўзгаришсиз.</u>**

**<u>Пул жўнатмалари:</u>**
***Диққат!*** 2000 йилнинг 10 июлидан бошлаб жорий этилган тарифларга нисбатан аҳоли учун-25% га, корхоналар учун - 29% га камайтирилган.

**<u>Пул жўнатмаларини жўнатиш:</u>**

| | <u>сўмларда</u> корхона | аҳоли |
|---|---|---|
| • <u>почтада жўнатилган пулнинг</u> ҳар сўмига | 0,10 | 0,06 |
| • <u>телеграфда: 2000 йилнинг 10</u> июлидаги ҳолатга кўра ўзгаришсиз | | |

### <u>Халқаро почта жўнатмаларига тарифлар.</u>
### <u>МДҲ мамлакатлари</u>

| | Тўлов миқдори — сўмларда: ер транспорти | ҳаво транспорти |
|---|---|---|
| **<u>Почта карточкалари:</u>** | | |
| оддий | 15 | 20 |
| буюртмали | 40 | 45 |
| **<u>Хатлар:</u>** | | |
| • <u>20 граммгача бўлган оддий</u> | 30 | 40 |
| 1000 граммдан 2000 граммгача | 370 | 755 |

- <u>буюртмали: оғирлиги учун тўлов жўнатиш усулига мувофиқ равишда оддий хат сифатида, буюртма учун - 25 сўм.</u>
- <u>қимматли:</u> оғирлиги учун тўлов жўнатиш усулига мувофиқ равишда оддий хат сифатида, қўшимча ҳар бир буюртма учун 25 сўм ва эълон қилинган МСОҲ учун суғурта тўловлари - 5% [x]МСОҲ -Халқаро валюта фондининг махсус сўраб олиш ҳуқуқи.

| **<u>Бандероллар:</u>** | Транспорт билан жўнатиш учун тўлов миқдори-сўм: ер транспорти | ҳаво транспорти | Авиайиғим |
|---|---|---|---|
| • <u>оддий 20 граммгача</u> | 30 | 40 | 7 |
| 1000дан 2000граммгача | 370 | 755 | 500 |
| кейинги ҳар 1000 грамм учун. | 145 | 215 | 185 |
| • <u>буюртмали:</u> оғирлиги учун оддий бандерол сифатидаги тўлов ва қўшимча равишда буюртма учун тўлов - 35 | | | |

**<u>Махсус “М” қоплари</u>**

Оғирлиги учун тўлов — ҳар бир кг. учун — ер транспортида 240 сўм, ҳаво транспортида 480 сўм, қўшимча равишда буюртма учун 50 сўм.

**<u>Кичик халтачалар: (пакетлар)</u>**

Оғирлиги учун тўлов — 100 граммгача ер транспортида — 39 сўм, ҳаво транспортида -78 сўм, 1000 граммдан 2000 граммгача ер транспортида - 338 сўм ва ҳаво транспортида - 676 сўм, буюртма учун - 35 сўм.

**<u>Посилкалар:</u>**

| Оғирлиги учун тўлов кг | Озарбойжон: ер транспорти | Озарбойжон: ҳаво транспорти | Арманистон: ер транспорти | Арманистон: ҳаво транспорти | Белорус: ер транспорти | Белорус: ҳаво транспорти |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 килограммгача | 843 | 843 | 852 | 852 | 531 | 1333 |
| 15 дан 20 килограммгача | 11651 | 11651 | 10172 | 10172 | 6699 | 34751 |

| оғирлиги учун тўлов кг | Грузия: ер транспорти | Грузия: ҳаво транспорти | Қозоғистон: ер транспорти | Қозоғистон: ҳаво транспорти | Қирғизистон: ер транспорти | Қирғизистон: ҳаво транспорти |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 килограммгача | 1119 | 2021 | 788 | 856 | 960 | 940 |
| 15 дан 20 килограммгача | 11406 | 15217 | 5448 | 7837 | 6841 | 6136 |

| Оғирлиги учун тўлов кг | Молдова: ер транспорти | Молдова: ҳаво транспорти | Россия: ер транспорти | Россия: ҳаво транспорти | Тожикистон: ер транспорти | Тожикистон: ҳаво транспорти |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 килограммгача | 850 | 1025 | 792 | 1163 | 631 | 531 |
| 15 дан 20 килограммгача | 11896 | 18021 | 6543 | 19528 | 10071 | 6580 |

| Оғирлиги учун тўлов кг | Туркманистон: ер транспорти | Туркманистон: ҳаво транспорти | Украина: ер транспорти | Украина: ҳаво транспорти |
|---|---|---|---|---|
| 1 килограммгача | 615 | 699 | 1375 | 1562 |
| 15 дан 20 килограммгача | 6426 | 9366 | 10041 | 16595 |

Суғурта учун тўлов -эълон қилинган қийматнинг ҳар бир МСОҲи учун-МСОҲ курси бўйича 5%.

**<u>Пул жўнатмалари:</u>**

Диққат! 2000 йилнинг 10 июлидан бошлаб тарифлар аҳоли учун 25%, корхоналар учун 29%га арзонлашган.

| Пул жўнатмалари: | **корхоналар** | **аҳоли** |
|---|---|---|
| - жўнатилган пул миқдорининг ҳар сўми учун | 0,10 сўм | 0,06 сўм |

**Олис хориж**

| | Тўлов миқдори - сўмларда: ер транспорти | ҳаво транспорти |
|---|---|---|
| **<u>Почта карточкалари:</u>** | | |
| • оддий | 30 | 45 |
| • буюртмали | 80 | 95 |
| **<u>Хатлар:</u>** | | |
| • <u>20 граммгача оддий</u> | 45 | 60 |
| 1000 дан 2000 граммгача. | 920 | 1745 |

- <u>буюртмали:</u> оғирлиги учун тўлов-жўнатиш усулига қараб оддий хат сифатида, буюртма учун тўлов-50 сўм.
- <u>эълон қилинган қиймати билан:</u> оғирлиги учун тўлов-жўнатиш усулига қараб оддий хат сифатида, буюртма учун тўлов - 50 сўм, суғурталаш учун тўлов-эълон қилинган қийматнинг ҳар бир МСОҲ учун - МСОҲ курси бўйича 5% .

| **<u>Бандероллар:</u>** | Транспортда жўнатиш учун тўлов миқдори-сўм: ер | ҳаво | Авиайиғим |
|---|---|---|---|
| • <u>20 граммгача бўлган оддий.</u> | 45 | 67 | 7 |
| 1000 дан 2000граммгача. | 920 | 1745 | 500 |
| шундан кейинги ҳар 1000 грамм учун. | 355 | 945 | 185 |
| • <u>буюртмали:</u> оғирлиги учун оддий бандерол сифатида, буюртма учун-50 сўм. | | | |

**<u>“М” махсус халтачалари</u>**

Оғирлиги учун тўлов-ҳар бир кг. учун ердаги транспорт билан - 395 сўм, ҳаво транспорти билан - 950 сўм, бунга қўшимча буюртма учун тўлов - 120 сўм.

Оғирлиги учун тўланадиган тўлов - 950 сўм, бунга қўшимча буюртма учун тўлов - 120 сўм.

**<u>Кичик тўрвачалар (пакетлар):</u>**

Оғирлиги учун тўлов-100 граммгача-ердаги транспортда - 65 сўм, ҳаво транспортида - 115 сўм, 1000 дан 2000 граммгача-ердаги транспортда - 700 сўм ва ҳаво транспортида - 1595 сўм, буюртма учун - 50 сўм.

**<u>Посилкалар: оғирлиги учун тўлов</u>**

| Оғирлик йиғими - сўм | Европа: ер | Европа: ҳаво | Осиё: ер | Осиё: ҳаво | Африка: ер | Африка: ҳаво | Америка: ер | Америка: ҳаво | Австралия: ер | Австралия: ҳаво |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 килограммгача | 3116 | 3399 | 1990 | 2352 | 3140 | 3580 | 1587 | 2343 | 1777 | 2603 |
| 15 дан 20 килограммгача | 15228 | 24133 | 11886 | 20424 | 12300 | 21900 | 18166 | 21900 | 16989 | 45899 |

Суғурталаш учун тўлов эълон қилинган қийматнинг ҳар бир МСОҲи учун -МСОҲ курси бўйича 5 %.

**Диққат !** Почта алоқаси тарифлари ва хизматларининг тўла рўйхати барча алоқа корхоналари ва бўлимларида мавжуд. Қўшимча хизмат учун тарифлар алоқа корхоналари томонидан жойларда белгиланади.

***Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг !***

***“Ўзбекистон почтаси” ДАК.***

